



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2024 йил 22 август, пайшанба, №92 (3438).

» Президент

КҮЧМАНЧИЛАР ҮЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА



Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Астана шаҳридаги ижтимоий-маданий иншоотларнинг фаолияти билан таниши.

Президент пойтахтда "Бадастир мактаб" миллий лойихаси доирасида барпо этилган янги тауымдар жарыларда бўлди.

Шаҳар ҳокими Женис Қасимбек Президент пойтахтда ўрта тауымни ривожлантириши борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Тауым вазири Фани Бейсембаев янги ўқув йиљига тайёргарлик ҳақида ахборот берди. Бугунги кунда мамлакат бўйлаб 536 минг ўқувчига мўлжалланган 302та мактаб барпо этилмоқда. 220 минг ўринли 280та таулим

муассасасида тубдан таъмилаш ишлари олиб борилмоқда. Давлат раҳбарининг топширигига кўра, 1,7 миллион ўқувчи белуп оқват билан таъминланади.

Сўнг Президент 8-13 сентябрда ўтадиган V Бутунжаҳон кўчманчилар үйинларига тайёргарлик жараёни билан таниши.

Давлат раҳбари дастлаб "Астана Аренас" үйинхига ташриф буюрди. Бу ерда халқаро спорт маданий тадбирининг тантанали очилиш маросими ўтади. 30 минг томошабинни сидира оладиган үйинхox тубдан таъмирланди.

Айни пайтда ободонлаштириш ишлари якунланиб, жиҳозлар тўлини янгиланди.

Қасим-Жұмарт Тұқаев "Qazaqstan" енгил атлетика мажмуда сида жойлашган «Аkkredитация маркази» фаолияти ва «Кўчманчилар үйинлари»да иштирок этувчи терма жамоа либослари билан танишиширилди. Халқаро тадбирга 1500 нафар кўнгилли жебал этилади.

Спорт ва туризм вазири Ермек Маржиқаев Миллий терма жамоанинг тайёргарлиги ҳақида хисобот берди. ВУтунжаҳон кўчманчилар үйинларига жами 89 давлатдан 2800 нафар иштироки ва расмий делегация аъзолари ташриф буюришиади. Соврин жамғармасида мусобақанинг 21 тури

бўйича топшириладиган 97 та медаль мавжуд. Асосий баҳслар «Астана-арена» үйинхиги, «Қазанат» отчопари, «Алау» муз саройи, Жаксилик Ушкемпиров номидаги спорт саройи, «Думан» меҳмонхона-спорт мажмусида ўтади.

Халқаро танлов доирасида 150дан зиёд маданий тадбирлар утказилиши режалаштирилган.

Дастлабки тахминларга кўра, шу кунларда пойтахтга 100 мингга яқин сайёх келиши кўзуда тутильмоқда. Бу илги кўчманчилар үйинларida или бор Бруней Даруссалом, Либерия, Венесуэла, Ирландия, Доминикан Республикаси, Гамбия, Бруни, Эфиопия, Перу каби давлатлардан спортчилар иштирок этишади.

Akorda.kz.

ИНДУСТРИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТ МАЙДОНИ

Вилоятимизда ўтган ойда Қазигурт, Саврон, Сариоғоч ва Келес туманларида 4ta янги индустривий миңтақа ташкил этиш учун 570 гектар ер ажратилди. Бу ҳақда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигига ўтказилган кенгаш йигилишида маълум қилинди.

Унда саноат миңтақаларида амалга ошириладиган лойихалар мухокама қилинди. Вилоят раҳбари мутасаддиларга бу борадаги ишларни кучайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Йигилишда вилоят тадбиркорлик ва саноат бошқармаси бошлиғи Нуржигит Мирзахметов мавзуза килиб, амалга оширилган ишларга тўхтади. Бундан ташқари, у инфраструктура иншоотларни ривожлантириш бўйича қаторни тақлифлари киритди. Бошқарма раҳбарининг таъкидлашича, саноат миңтақалари инфраструктурасини ривожлантиришга режадагидан 10 баравар кўп сармоя жалб этилмоқда. Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан

биргалиқда ишлаб чиқариш майдонларида шанбаликлар ташкил этилаётгани ҳақида маълумот берди.



Вилоятда, шунингдек, 39ta саноат парки барпо этиш режалаштирилган. Саврон туманидаги Корачик, Чўрноқ, Ясси қишлоқларида умумий майдони 70 минг квадрат метр бўлган 49ta саноат биноси барпо этилмоқда. Лойихаларнинг аксарияти мебель ишлаб чиқариш соҳасига оид. Бу ерда ҳам янги иш ўринлари очилади, маҳаллий

аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Бугунги кунда 594 гектар майдонда 10ta саноат миңтақаси фаолият юртмоқда. Бу ерда умумий қиймати 125,6 миллиард тенге бўлган 87ta лойҳа амалга оширилмоқда. Уларнинг асосий қисми қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва мебель саноати соҳаларига ихтинослашган.

24.kz.



Тоҷикистонда Қозоғистон маданияти кунлари

Тоҷикистонда Қозоғистон Республикаси маданияти кунлари ўтди.

Дастлаб, Душанбедағи "Ватан" кинотеатрида Қозоғистон киноси кунларининг очилиш маросими бўлди.

"Кўхи Борбад" давлат мажмуасида Қозоғистон

халқ артистлари ва хизмат кўргизсан арбоблари ҳамда халқаро танловларлаураатлари иштироқида Қозоғистон санъатининг катта концерти намойиш этилди.

Шу билан бирга, концерт аввалида "Кўхи Борбад" давлат мажмуасида "Қозоқ халқининг амалий санъати" кўргазмаси тақдим этилди. Кўргазма XVIII-XX асрлардаги амалий санъатининг ноёб намуналари асосида ташкил этилди.

24.kz.



ОСИЁДА ЯГОНА

САВДО ВА МАДАНИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ҲАМЖАМИЯТИ ТАШКИЛ
ЭТИЛДИ

Астанада "Қозоғистон-Осиё савдо ва маданиятни ривожлантириш ҳамжамияти" ташкил этилди ва биринчи ҳайъат йигилиши ўтди.

Ҳайъат таркиби таниқи давлат ва жамоат арбоблари, сиёсат ва маданият арбоблари киритилган. Жумладан, Қозоғистоннинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси, профессор Дүйсен Қасеминов, Қозоғистон Республикаси Баш вазири маслаҳатчиси, Қозоғистон давлат ва жамоат арбоби Ералы Тўйжанов, ҚР Парламент Мажлиси депутати, Мажлиснинг Иқтисодий испохотлар ва ҳудудий тараққиёт кўмитаси раиси, давлат ва жамоат арбоби Нурутай Сабилянов, ҚР Парламент Мажлиси депутати, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик кўмитаси раиси, давлат ва жамоат арбоби Дархан Қидирили, сиёсат ва жамоат арбоби, ҚР Парламент Сенатининг собиқ аъзоси Жандарбек Какишев, ҚР Савдо ва интеграция вазири ўринбосари Қайрат Тўребаев, ҚР Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Ербул Тасжуреков, "Қозоғистон-Осиё савдо ва маданиятни ривожлантириш ҳамжамияти" бошқаруви раиси Қанат Қасим кирди.

Кун тартибида кўра, ҳайъат йигилишида "Қозоғистон-Осиё савдо ва маданиятни ривожлантириш ҳамжамияти"нинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи Стратегик концепция мухокама қилинди ва кўллаб-куватланди.

Мазкур масала юзасидан маъруза қўлган бошқарув раиси Қанат Бейсекнинг таъқидлашича, ҳамжамияти "Қозоғистон-Хитой Савдони ривожлантириш ўшумаси"нинг аввали тажрибаларни инобатга олган ҳолда ўз кўламини кенгайтириш йўналишида ташкил этилган.

– Биз янги ташкилотнинг кенгайиши нафақат географик, балки саноатимиз йўналишидан ҳам бўлиши керак, деган қарорга келдик. Тарихдан маълумки, Осиё савдо анъанаси бошқа минтақалар ва бошқа таъмдунлардан фарқ қиласи. Савдо бор жойда маданият ҳам маъқудлиги аниқ, мамлакатларнинг интеграциялашши ва тараққиётда савдонинг таъсири катта бўлган. Ҳозирги вақтда халқаро савдо тизими жиддий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, геоиқтисодий вазият, минтақалардаги ишонч инқиrozи давлатлар тараққиётда турли тўсиқларни келтириб чиқармоқда. Анъанавий савдо тизимининг замонавий шакли ҳам ўзгариб, мамлакатлар ва худудлар ўтасидаги иқтиносиди ва технологик тафовут ортди. Шу билан бирга, кўллаб мутахассислар жорий асрни "Осиё асри" деб атап бошладилар, – деди Қанат Бейсек.

Шунингдек, ү Қозоғистон ва Осиё давлатлари ўтрасидаги бизнес битимларини оширувчи, ишбилармонлик алоқалари ва қўшма маданий халқаро лойихаларни амалга оширувчи "Олтин кўприк"ка айланиши мақсад қиласи.

– Олтин кўргишимиз учта йўналишини ўз ичига олади. Улар: "Савдо кўприги", "Маданият кўприги", "Ақлли кўприк". Бу ердаги "савдо кўприги" Қозоғистон ва Осиё ўтрасидаги савдо-иктисодий алоқаларни мустаҳкамлови кўприкдир. Уни "Ишбилармонлар кўприги" деб атап мумкин. Иккинчи кўприк эса Қозоғистон ва Осиё мамлакатлари ўтасидаги маданий ҳамкорлик нинг халқаро даражасини оширувчи "Маданият кўприги"дир. Режалаштирилган тадбирлар бутун Осиё давлатларнинг маданий-маънавий фаолияти ва тараққиётда ғойдаланишга мўлжалланган. У Сунъий заковат орқали бизнес ҳамжамиятига кўрсатиладиган хизматлар, Осиё мамлакатлари икоди индустрияси, бизнес ва бизнес ҳамжамиятилари, ягона базалар хизмати ва ўшумча платформасида «ягона дарча» тамойили бўйича ҳаққини маслаҳатларни ўз ичига олади, онлайн бизнес хизматлар ҳам мавжуд, – деди Қанат Бейсек.

Янги ташкил этилган оширува қадимдан дунёда илдиз отиб келаётган халқларнинг анъанавий мусиқа санъатини тараннум этишда етакчилик қиласи.

Мухокама ҳоғида ҳайъат аъзоси Дархан Қидирили ўшумнинг стратегик концепцияси юзасидан ўз фикрларини билдиради.

“Савдо ва маданиятни бирга олиб бориши қарори жуда тўғри. Чунки Буюк Улус даврида Олтин йўрда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ийрик давлатлар емирилишининг асосий сабабларидан бири Ипак йўлтининг тўхтаб қолиши, савдо-сотик ва алока ўрнатилиши улкан давлатларнинг маданий тараққиётни, иқтисодиётни, сиёсий ҳароатларининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Бугунги даврага келсак, давлат раҳбари томонидан халқаро миқёсдаги савдо интеграцияси, минтақа давлатлари ва Осиё давлатлари билан яқин муносабатларга юксак эътибор қаратилмоқда. Парламент Сенатида мазкур Осиё йўналиши бўйича бир қанча ҳужжатлари мухокама қилинди, маъқулланди ва Президент имзолаши учун киритилди, – деди Дархан Қидирили.

Йигилишда ҳайъат раиси томонидан "Қозоғистон-Осиё савдо ва маданиятни ривожлантириш" ҳамжамияти раисига "Ишонч ёрлиғи" топширилди.

“Егemen Қазақстан”.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

КАДРЛАР ЗАХИРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ



Минтақавий кадрлар захираси рўйхатига кириш имконияти ҳар бир иsteъоддли ёш йигит-қизда мавжуд. Мамлакатимизда илк бор ўтётган танловда иштирок этाटган бошқарув юбилиятига эга иқтидорли ёшларда ҳар қандай лавозимда ишлаш салоҳияти юкори. Вилоятимизда минтақавий захирага саралашнинг якуний босқичи бошланди.

Илк бор ташкил этилган танловга 634 номзод ариза топширган. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигидаги кадр комиссияси олдида дастлабки 50 нафар номзод ўз лойиҳаларини химоз қилди. 30 нафар номзод танлов ғолиби сифатида кадрлар захирасига қабул қилинди. Якуний саралашга келган ҳар бир номзод билан алоҳида

сухбатлашган вилоят ҳокими уларга қимматли маслаҳатларни берди.

Саралашда 35 ёшга тўлмаган, олий маълумотла ва 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат тажрибасига эга Қозогистон Республикаси фуқаролари oʻloliq.prekrezerv.gov.kz сайтида ҳужжатларни топшира олади. Март ойидан бўён танловга ариза берган фуқаролар


саралашнинг уч босқичидан ўтди. Лойиҳанинг қонунларни билиш, шахсий хусусиятлари ва ваколатларини баҳолаш сингари дастлабки босқичларидан мувваффакияти ўтганлар сұхбат босқичида иштирок этмоқда.

Саралаш минтақадаги бта соҳавий йўналишдаги кадр тақчиллиги инобатга олинган холда ўтказилди. Номзодлар индустря, саноат, иқтисодиёт, молия, ижтимои соҳа, коммунал хўжалик, инфраструктура, агросаноат, ер муносабатлари, рақамлаштириш соҳаларини ривожлантириш йўналишида омадларини синашиди.

КЕНТОВДА ЯНГИ СПОРТ ИНШООТИ БАРПО ЭТИЛАДИ



Хизмат сафари билан Кентов шаҳрига борган вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев шаҳар ҳокими Жандўс Тасов ҳамроҳлигига қатор ижтимоий иншоотларни оралади.



Шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди бошқармага ишларнинг қай тарзда ўтирилтилаётганини назорат килишини топшириди. Бу йўналишдаги маълумотларни ўз вақтида йўллаб туриш зарурлигини таъкидлайди. Шаҳар кўчаларини яёв оралаб, "Тоза Қозогистон" дастури доирасида мутассил чора-тадбирлар

йтказиб туриш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Янги спорт иншоотидан ташқари, 1977 йилда фойдаланишига топширилган бокс мактаби ва Б. Саттарханов номидаги ўсмирлар спорт мактаби фаoliyati bilan яқиндан танишиди. Мазкур мактаблар жорий таъмирдан ўтиказилиши керак.

Хоким мувонини хизмат сафари давомида Ш. Қалдаяқов номидаги Маданият уйига ҳам борди. Ушбу маданият ўчири 1977 йилда барпо этилган маҳсус бинода жойлашган. Томошибинлар залидаги ўрдициқлар сони – 525ta. Кичик залда эса 200 ўриндик мавжуд. 2013-2015 йилларда таъмирлаш ишлари олди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Кентов шаҳар марказий масжиди олдида қурилаётган янги мадрасани ҳам кўздан кечириди. 4500 кв.м майдонда ёткоҳона, ўқув биноси, спорт мажмуси, ошхона жойлашган. Ҳомийлар хисобидан қурилаётган ёткоҳона 120 одамга мўлжалланган.

Ертада Қенжебекули 900 гектар майдонни эгаллаган шаҳарнинг фавқулодда хавфли ҳудудига борди ва амалга оширилаётган ишлар билан танишиди. Ушбу ҳудудда ўй-жойлар, сув насос стансияси ва 10ta саноат базаси мавжуд. Келажакда ушбу минтақадан иншоотларни кўчириша оид масалалар КР қонунчилиги доирасида кўриб чиқилишини маълум қилди.

Ўрдабоши туманинаги "Самурық" хиёбонида туман ҳокимлигининг ташаббуси билан "Мактабга йўл" республика акцияси доирасида ярмарка уюштирилди.

Унда Шымкент шаҳар "Автонур" савдо марказининг 80га яқин тадбиркорлари иштирок этиб, мактаб либослари ҳамда ўқув қуролларини имтиёзли баҳолда тавсия килишиди. Туман ҳокими Азат Урталбаев 1 августда бошланган эзгу тадбирнинг муҳимлигига тўхталашиб, тадбиркорларга миннатдорчлик билдириди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу акция доирасида ўрдабоши туманинаги бўйича кам таъминланган ва тўла бўлмаган оипаларнинг 3 223 нафар болаларига 43 407 тенгедан моддий ёрдам кўрсатилди.



ЎРДАБОШИДА – ЯРМАРКА



Мектепке жол

Мактабга йўл

